

OBILA DAVTRASIDA

№ 23
(473)
2021-yil
27-may
payshanba

www.od-press.uz

Ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta

Gazeta 2012-yil may oyidan chiqa boshlagan.



ФАРЗАНД ТАРБИЯСИ КИМНИНГ ЗИММАСИДА?

Эр-хотин ажрашган тақдирда болани кимнинг тарбиясида қолдириш масаласи уларнинг хоҳишига қараб белгиланмайди

3-бет.



Қачондир бизда ҳам йўл қилиш, машина қилиш ва бошқаришга тизимли, илм билан ёндашилиб қолармикан?..

ТУРТ ОЙДА 557 ҚУРБОН

УЛАР УРУШГА ЭМАС, ЙЎЛГА ЧИҚИБ КЕТГАН ЭДИ...

Худди

...дард кўп, давоси йўқдек...

...гап кўп, тинглайдиган кулоқ камдек...

...айблар кўпу, айбдорлар йўқдек...

Кўзлар, қалб, виждон, ачиниш, сабр ва ҳаловат йўқдек....

... йўқдек... худди.

– Болам, овқатинг тайёр бўп қолди-она, ҳадемай эринг келиб қолади!

– Тайёр, ойижон!

...келмайди!

Афсус, ёлғиз боши билан катта қилган ўғли, икки нафар ширингина боланинг отаси, кичик қизига олган совғачасидан ўзи шод, беришга шошилиб келаётган йигит 35 ёшга кирмай ерга кирди...

Тайёрланган таом, бир жигарпора она, бева ва икки етим, хувиллаган уй тўла дард, умрдан узун армон қолди унинг ортида.

... Дардли-а? Аламлими? Чорасизлик ёмон-а?

Бепарволик ёмон. Нафс ёмон. Илмсизлик ёмон, йўллар ёмон...

Ёмонлар ёмон, аслида!

Буларнинг барига бепарволар ёмонлардир!

Йўллар жимгина қурбон сўрайди, гапирмайди

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ишлаб юрган пайтларим – 2013-2014 йилларда йўл бўйича бир мутасадди муҳокама давомида айтган гап эсимдан чиқмайди. «Йўлларимиз гапирмайди», деган эди у. Ҳаммининг савол назарига жавобан: «Йўл белгилари – йўлнинг забони, сўзлари, қўллари. Керак жойда сўз билан ёзилган, керак жойда ишора қилувчи ва огоҳлантирувчи белгилар бор. Улар ҳайдовчини бошқариши керак, лекин бу борада камчиликларимиз етарли», деган эди.

Ҳозир эртаю кеч ҳамма йўлда.

Бугун йўл қанчалик «гапириши»ни ҳаммамиз биламиз. Биламизки, улар гапирмайдилар. Бироз гапирди, аанча жим бўлади. Чунки ҳар жой, ҳар жойда мутасаддилар белги кўйиб, йўлни гапиртираман, деб сарсон. Бу сарсонликнинг охири йўқ, худ-

ди қиёматгача давом этадигандек...

Йўл ҳам носоғлом жусса каби кемшик оғзини очиб, дудукланади. Гапира олмай сарсон. Қариб қолган, эллик йил аввал ётқизилган қопламалари билан иштонининг йиртиғини беркитишга беҳуда уринаётган чорасиз кампирни эслатаётгандек гўё. Рулдаги мардум йўлдаги «йиртиқ-ямоқ»дан айланиб ўтаман, деб рўпарадаги яна бир сарсон

билан «пешона уриштиради». Ғурра билан кутилса майли, бу ғурра кўпнинг ҳаётини ўйиб кетади. Йиғлатиб, зорлатиб, зориллатиб, додлатиб, чиркиратиб, чиркираб кетади.

Ангренда кўрдик, Жиззахда кўрдик, Қашқадарёда кўрдик, кўриб ётибмиз ҳамма жойда. Афсус...

Шугина эмасда сабаб

Ҳашамат ҳам бор. «Мошин» олганга ҳамма «қўшомот».

Собиқ иттифоқ даврида хусусий мулкка бўлган муносабат, автомобилларнинг кам ва қимматлиги (аслида қиммат эмас, одамлар имконидан банд бўлган ва ҳозир ҳам шундай) унга етганларнинг асосли кеккайишига олиб келар эди. Йиллар ўтди, йўллари, удумлари қолди. Бугун ҳам машина талабдан анча кам, унга етган борки, яхта соҳибидек тутуди ўзини. Бир машина миниш учун йиллаб рус ўрмонларида сарсон юрганлар қанча? Авто эгаси бўлиш истаги уни минишнинг атрофидаги ҳамма тушунчадан, ҳатто қонун-қоида, масъулият, билим ва маданиятдан устун бўлиб қолди.

(Давоми 2-бетда)

Ангрендаги ЙТХда 7 киши ҳалок бўлди ва 14 киши жароҳатланди

Тошкент вилоятининг Ангрен шаҳрида MAN юк машинаси ва еттига енгил машина иштирокида ЙТХ содир бўлди. Оқибатда 7 нафар фуқаро воқеа жойида вафот этди, 14 нафар фуқаро турли даражадаги тан жароҳатлари билан шифохонага етказилган.

Маълум қилинишича, ҳодиса 24 май куни соат 9:30 ларда Ангрен шаҳридан ўтувчи А-373 автомобиль йўлининг «Наманган-Тошкент» йўналишида содир бўлган. Мазкур йўналиш бўйича ҳаракатланаётган MAN русумли тиркамали юк автомобили бошқарувини йўқотиб, ағдарилиб, ўзидан олдинда темир йўл кесишмасига етмай тўхтаган. Натижада иккита Lacetti, иккита Nexia-3, Cobalt, Gentra ва Matiz русумли автомобиллари билан тўқнашиб, ЙТХ содир бўлган. Тўқнашув натижасида Lacetti русумли автомобиль ёниб кетган.

Тўрт ойда 557 қурбон

УЛАР УРУШГА ЭМАС, ЙЎЛГА ЧИҚИБ КЕТГАН ЭДИ...

(Бошланғич 1-бетда)

Кучли монополлашув ва буни мустаҳкамлаш учун яратилдиган сунъий танқислик бу ҳолатни янада чуқурлаштирадики, машина олган одам бошқа жиҳатлар ўз-ўзидан бўлиб кетишига ишониб қолади. Аввал авто харид қилиб, кейин тезроқ миниб, кўчага чиқиш истаги ҳайдовчилик гувоҳномасини имкон қадар тез ва осон қўлга киритишга ундайди. Истаклари етагидаги одам эса, бу йўлдаги ҳар қандай тўсиқни енгиб, айланиб, сакраб ўтишга рози. Бунда ягона йўл пора ёки таниш-билиш, «акахон»лар кўнғироғи. Кўпга таниш ҳолат-а?

Буёғини эшитинг, **ҳайдовчилик гувоҳномаси хатто айрим «янги бой»лар уйида фарзандига янги «тойчоқ» ёнида қўшиб совға қиладиган воситага айланганига анча бўлди. Бунинг қурбонлари ҳам анча, аммо афсус доим ҳам қурбон айбдорнинг ўзи бўлмайди.**

Алал оқибат, автомактаб тизими таназзулга яқинлашиб қолди. Балки Тошкентда туриб, тепадан қараганда, қоғоздаги ҳисоботларга кўра, ҳаммаси яхшидир, аммо бу масала кишлоқлардан жуда яхши кўринади.

Фақат дарров кимнингдир кулфатидан пул қилиш учун автотаълим соҳасини монополлаштиришга интилиш ҳам ноинсофлик. Давлат айрим ўта муҳим ижтимоий масалаларда бош ислохотчилик ролини ўзида ушлаб қолса, ягона талаб ва қатъий интизомни таъминласа, ҳайдовчиликка ўқитиш тизимини хусусий секторга берган ҳолда ҳам кўпчилик ўртасида соғлом рақобат муҳитини яратиб берса, балки ечим чиқар. Монополлар ҳеч тўймайди, аммо содир бўлаётган дахшатли автоҳалокатлар сони ва сифатига қаралса, тажрибасизлар улуши салмоқли экани ойдинлашади.

Шу йилнинг 4 ойида 557 киши қурбон бўлган, 1684 киши жароҳатланишига олиб келган ҳодисалар содир эти-



лишида 32 ёшгача бўлган ҳайдовчилар улуши катта экани дахшат. Дахшатнинг ҳам зўри, улардайи йўлларда ҳозир, бугун юрибди. Кимнингдир акасини, кимнингдир боласини қувиб ўтятипти, ортидан «босаяпти» ҳозир...

Ҳаммани ўзи ўз паноҳида асрасин. Аммо...

Улов ҳам асраши керак-да!

Мусофирликда йиллаб юриб, «гастарбайтер» бўлиб ишлаб топганини емай-ичмай йиғиб олгани – «консерва банка»! Нақадар аянчли.

2016 йил 19 декабрда Тошкент шаҳрида «Lexus» автомобили бўлақларга бўлиниб кетади. Аввало, Яратганнинг инояти билан, сўнгра бахтли тасодиф сабаб, машинадаги уч йигит омон қолади. Бундай ҳолат яқинда ҳам содир бўлган. «Иномарка» бўлиниб кетган, ҳайдовчи ва йўловчи шифохонага олиб кетилган.

Энди саволЛАР? Нега эски «иномарка» ҳам йўловчисини имкон қадар асрайди-ю, ўзимиз учун ишлаб чиқарётган машиналаримиз бошқарувни йўқотса ҳам камида икки қурбон? Аввало нега «Nexia 3» ва «Lacetti» русумли автоларимиз тез-тез бошқарувни йўқотиб туради? Муайян тезликка чиқилса, фақатгина тажрибали ҳайдовчигина

уларни эплаши мумкин, нега? Камида 10 минг АҚШ долларида яраша ҳаётга хавф ҳам бироз камайиши керак эмасмикин? Ёки бу пул монопол луқмага бўкиб қолганлар учун арзимаган кичкина сумма, одам ҳаёти унинг олдида ҳам сариқ чақами?

Йиллар давомида фақат «чехол» ва «бампер» рангини алмаштириш изланишми? Изланишлар инсон ҳаётини асрашга хизмат қилиши керак эмасми? Нега хорижий автокомпаниялар ўз махсулотини бизда реклама қилса, «ишончли» тушунчасига устуворлик беради? Одамлар умрбод йиққанига ўзи учун «ажаларава» сотиб олишдек тавқи лаънатдан қачон озод бўлади? Йўлларда ёнаётган яқинини кўриб, қўлидан ҳеч нима келмай бўзлаб қолишларнинг охири борми? Ўзи нега «UZAUTO MOTORS» автомобиллари ЙТХга учраса, кўп ҳолларда ёниб кетади? Бундай ҳолларда эшикларни автоматик тарзда очиш функциясини қўшиш нархни яна қанча қиматлаштиради?

Жавоблар ҳаммага маълум. Чунки улар йўқ, бўлмаган, бўлмайди ҳам. Шунинг учун...

Ўзимиз ҳам ўрганаемиз

Йўл ёмон, билим ёмон, машина ёмон экан, ўзимиз яхши бўлайлик.

Ўзга йўл йўқ.

Болаимиз, турмуш ўртоғимиз тонгда рулга ўтирганида машинанинг педаллари орасида фақат газ эмас, тўхташ учун мўлжалланганлари ҳам борлигини, коидани, бировни, бошқаларни ҳурмат қилиб юриш кераклигини эслатайлик. Улар урушга эмас, ишга бораётгани, кун адоғида ўликхонада эмас, ётоқхонада ётиш учун кун бўйи эҳтиёт бўлиш кераклигига ишонтирайлик. Ёшларимиз билмаса, катталаримиз билади-ку ҳайдовчилик маданияти нима эканини.

Доим шундай эмасдир.

Қачондир бизда ҳам йўл қилиш, машина қилиш ва бошқаришга тизимли, илм билан ёндашилиб қолар. Унгача тўқилган қонлар, йўқотилган жонлар ҳаққи ўзимизни асрайлик.

Сизга ҳам бир гап

«НОВО», «MAN» ва бошқа юк ташиш, бетон ташиш машиналари ҳайдовчилари!

Шаҳар ичи ва ташқарисидида қурилиш кўп. Бу техникасиз битмайдиган иш, тушунамиз албатта. Иш кўп дегани шошилиб, бошқаларни ҳам хатарга қўйиш дегани эмас. Светофор қизил экани ҳаммадан аввал сизга кўриниб туради олисдан. Лекин нега автомобиллар ортидан етгунича тезликни камайтирмайсиз? Балки «темир от»ингиз кудратига ишонарсиз. Аммо унинг тўхташ тизимига уни ясаганлар ҳам сизчалик ишонмайди. Юз ёки мингдан бир ҳолатда «отказ» қилса ҳам, Ангрендаги каби бир тўда одамни ажалидан беш кун аввал ўлдиради. Бундан асрасин, иссиқнафас бўлайлик, деймиз. Аммо Аллоҳ ҳам ўзини асраганини асрайди.

Яхши кунларнинг бирида юк машиналари, йўллар, автотаълим ва сифатли машиналар борасида ҳам Яратганнинг марҳамати билан тизимли ишлай бошлармиз. Шу кунларга етармиз, фақат ҳозир бу соҳа мутасаддиларига инсоф сўрашдан бошқа иложимиз йўқ.

Алишер РАВШАНОВ,
журналист

«ЎЗИНГГА ХИЁНАТ ҚИЛИБ ҚЎЙМА»

Аввалги йиллардаги каби бўлганидек 25 май куни минглаб ўқувчилар қадрдон мактаби, синфдошлари, устозлари билан хайрлашди. Катта ҳаёт бўсағасида турган ўғил-қизларга кўпни кўрган, тажрибали, ҳаёт синовларида тобланган кишиларнинг маслаҳат-тавсиялари, йўл-йўриқлари айтилиши мудири бўлади. «Дарё» битирувчилар учун ўз замонасининг зиёлиси бўлган кишиларнинг қимматли тавсияларини тақдим этади.

Битирувчи ўқувчиларга тилакларим: бугун ўқув йилини битирган ўқувчиларга нима тилак билдириш мумкин? Аввало, уларнинг барчаси соғу-саломат бўлиб, ота-онасининг кўзини қувонтириб, миллатининг кўнглини тўлдириб юрадиган ўғил-қизлар бўлсин.

Энди ўрта мактабни битираётган ўспиринларга тилакларим: ўзини таниган, ўзгари ҳам тушунадиган, фақат тана истакларидан ҳам юксак тушунчалар борлиги ва чин одам ўша юксак тушунчаларга етишга интиладиган бўлиши лозимлигини ўйласалар. Бу-



гунгача улар кимларнингдир ўғил-қизи саналган бўлсалар, бугундан бошлаб улар нафақат ота-оналари, балки ўзбек деб аталмиш миллатнинг, Ўзбекистон дея ном қозонган ватан-

нинг ташвиши, ору номусини елгага олишга маҳқум кишиларга айланганликларини ҳис этсалар.

Одам бир умр дунёни забт этишга уриниб яшашга

маҳқум. Дунё эса фақат билимга бўй беради. Билимни эгаллаш, уни фақат нафсга эмас, балки эзгуликка хизмат қилдиришга уриниш ўз-ўзидан одамни юксалтиришини, унинг таъсир доирасини кенгайтиришини ҳисобга олишларини тилайман. Бахт, омад келмайди, уларга машаққатли меҳнат билан етиб борилади. Бу йўлда чидам тилайман. Бугунги битирувчиларнинг ўз имкониятини тўғри баҳоладиган, мақсадни тўғри қўядиган, мақсадга элтадиган йўлнинг қисқа ва нотўғрисида бош тортиб ҳалол йўл танлайдиган миллат болалари бўлишини тилайман. Ниятларинг ва йўлларинг оқ бўлсин! Ўзбекистоннинг номини улуғлайдиган ўғил-қизлар бўлиш насиб этсин!

16–18 ёшга қайтишни орзу қилишим хомхаёл, албатта. Агар мабодо қайтиб қолсам, шу

ёшнинг завқини сурган, ўзимни энг муҳим юмушларга бағишлаган бўлардим. Бу ёшдагиларнинг кудрати чексиз. Уларда толиқиш, чарчаш бўлмайди. Бинобарин, ўйнаб-қулган ҳам, техникани, санъатни, илмни, тилни ўрганган ҳам бўлардим. Майда-чуйда етишмовчиликлардан баландроқ туриб, юксак марраларни орзулаган ва орзу йўлида ўзимни аямаган бўлардим. Ўзбек миллатига муносиб бўлиш, унинг донғини чиқариш учун астойдил курашган бўлардим. Айтилиши билан яқинларимга меҳр кўрсатиш, уларга ёрдам беришни бир зум унутмаган бўлардим. Афсуски, умрнинг ҳам, тақдирнинг ҳам варианты бўлмайди. Ҳаёт бир марта яшалади, тақдир биргина бор кечиради. Ўша бир маргалик йўлдан уялмайдиган яхши ном қолдириб ўтишга интилавериш керак.

Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ,
педагогика фанлари доктори,
профессор

ФАРЗАНД ТАРБИЯСИ КИМНИНГ ЗИММАСИДА?

Эр-хотин ажрашган тақдирда болани кимнинг тарбиясида қолдириш масаласи уларнинг хоҳишига қараб белгиланмайди

Амалдаги қонунчиликка кўра, вояга етмаган болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш учун уларни фарзандликка олишга йўл қўйилади.

« Ота-боболаримиз асрлар давомида амал қилиб келган ислом ҳуқуқига оид қонун-қоидалар ўзбек халқининг қон-қонига сингиб кетган одабийлик, инсонпарварлик каби хислатлар билан уйғундир. Ислому таълимоти фарзандликка олиш томонлар ўртасида ҳуқуқий оқибатлар келтириб чиқармаслигини таъкидлайди. Бу жиҳати билан ислом ҳуқуқи нормалари амалдаги қонунчилик нормаларидан тубдан фарқ қилади.

Насабни белгилаш масаласи ислом ҳуқуқида муҳимлиги шу билан изоҳланадики, оилада хоҳ у янги бўлсин ё эски бўлсин унда ҳалол ва ҳаром масалалари ҳар доим диққат марказида бўлиши лозим. Чунки бу масала болаларнинг тарбияси, ҳулқи ва келажагига таъсир қилади. Насабларнинг аралашиб кетмаслиги, яъни киши ўз маҳрами билан никоҳланмаслиги – никоҳнинг асосий шарт. Шу сабабли насабга эътибор берилдики, киши кимлигини ва ўз насабини билсин. Ҳар бир бола ўз ота-онаси томонидан тарбияланиши, ўз манфаатлари таъминланиши, ҳар тарафлама камол топиши инсоний кадр-кимматлари хурмат қилиниши ҳуқуқига эга.

Боланинг ота-онаси бўлмаганда ёки улар ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинганда ва бола ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бошқа ҳолларда унинг оилада тарбияланиш ҳуқуқи васийси томонидан таъминланади. Шунингдек, бузилган ҳуқуқи ва манфаатларни бево-сита боланинг ўзи ҳимоя қилиш ҳуқуқи-га эга ёки бу ҳолатдан хабардор бўлган васий боланинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш чораларини кўради.

Шариат қоидаларига кўра, оилада ота-онанинг ҳам ўз фарзандларига нисбатан шахсий номулкий ҳуқуқ ва мажбуриятлари мавжуд бўлиб, улар ўз болаларига нисбатан тенг ҳуқуқ ва мажбуриятларга эгадирлар.

Ота-онанинг бола олдидаги тенг ҳуқуқлилиги унга ғамхўрлик қилиш, таълим-тарбия бериш, уни парвариш қилишдан иборатдир. Ислому ҳуқуқида боланинг олдида ўз ҳуқуқларини бажариш ота-она учун фақат ахлоқий қоида бўлиб қолмай, балки фарз даражасидаги ҳуқуқ ва бурчлардан биридир. Улар куйидаги-ча: насаб, она сути билан озиклантириш, боқиш ва тарбиялаш, нафақа, мерос.

Насабини аниқлаш

Қонуний никоҳда бўлган эр-хотиндан туғилган бола улар ўртасида боланинг оталиги ва оналиги ҳақида ҳеч қандай низо бўлмаса уларнинг фарзанди ҳисобланади. Агар хотин боланинг онасилигини инкор этса, болани у туққанни тасдиқловчи бир аёлнинг кўрсатмаси инобатга олинади. Агар эр бола ундан бўлганини инкор этса, эр-хотиннинг биргаликда никоҳда бўлган муддати, улар ажралишган бўлса ёки эр вафот этган ёхуд эр ёки хотин ўлган деб эълон қилинган бўлса, ажралиш, эр вафотидан, эр ёки хотин ўлган деб эълон қилинган-дан сўнг қанча вақт ўтгани оталикни белгилашда муҳим роль ўйнайди.

Ҳар учала ҳолатда ҳам муддатни белгилашда боланинг она қорнида қанча вақт бўлиши асос қилиб олинади. Ислому ҳуқуқи бўйича, онанинг қорнида бола туришининг энг кам муддати олти ой, энг кўп муддати икки йил. Никоҳ қайд қилингандан сўнг олти ой ўтгандан кейин икки йил тўлгунча туғилган боланинг отаси сифатида унинг онаси билан никоҳга киришган эркак тан олинади. Агар бола никоҳ қайд қилинганидан кейин олти ой ўтмасдан туғилса унинг

онаси билан никоҳда бўлган эркак ота сифатида тан олинмайди ва никоҳ бекор қилинади.

Умумий қилиб айтганда насабни белгилашда:

1. Ҳомилдорлик муддати энг камида олти ой бўлиши. Бу муддат эса эр-хотинлик муносабатларидан бошланади.

2. Насабнинг исботи учун сабаб – эр ва хотин ўрталарида саҳих никоҳ бўлиши.

3. Никоҳсиз туғилган болага насаб собит бўлмаслиги.

Умумий қоидага биноан, агар ўзаро никоҳда бўлмаган кишилар ўртасида ҳомилдорлик вужудга келиб, кейинчалик никоҳланса ва никоҳдан 6 ой ўтган



бола туғилса болага отанинг насаби берилмайди. Агар 6 ойдан кам муддат ичида туғилса берилмайди.

Моддий таъминот

Фарзанд тарбияси ислом ҳуқуқида алоҳида эътиборга молик масалалардан биридир. Ислому ҳуқуқи бўйича фарзанд тарбияси билан боғлиқ ота ва онанинг бурчлари аниқ белгилаб қўйилган. Ота фарзанд ҳақида ғамхўрлик қилиши, унинг саломатлигини таъминлаш чораларини кўриши, бирор бир касб-хунарни эгаллаши, дин асослари бўйича билим олиши учун шарт-шароит яратиб бериши лозим. Отанинг муҳим вазифаларидан бири фарзанд балоғатга етгунча уни моддий жиҳатдан, яъни озик-овқат, кийим-кечак, турар-жой билан таъминлашдир.

Фарзандни парвариш қилиш ва тарбиялаш, она сути билан озикланиш, ҳимояга олиш даврлари онанинг зиммасига тушади. Лекин шуни таъкидлаш жоиз, она ушбу вазифани ихтиёрий равишда бажармоғи лозим.

Болага кўкрак сути бериб боқиш ва унинг муддати масаласида Куръони каримда алоҳида қоида берилган. Унинг «Бақара» сураси 233-оятда бу ҳақида шундай дейилади: «**Оналар болаларини тўла икки йил эмизадилар. (Бу муддат) эмизишни камолига етказишни истовчилар учундир. Уларни**

(оналарни) меъёрида озиклантириш ва кийинтириш отанинг (эрнинг) зиммасидир. Ҳеч кимга тоқатидан ортиқ (масъулият) юкланмайди. Болалари туфайли ота ҳам, она ҳам зарар кўрмасин... Агар ота-она ўзаро келишиб, маслаҳат билан (болани сўтдан) ажратмоқчи бўлсалар, гуноҳкор бўлмайдилар...».

Она ўз боласига кўкрак сути беришдан бош тортса, уни мажбурлашга йўл қўйилмайди. Бундай ҳолда ота болага кўкрак сути берадиган бошқа аёлни ёллаши лозим бўлади. Бу ҳақида юқорида қайд қилинган оятда шундай дейилади: «**Агар болаларингизни (бегони аёлга) эмиздирмоқчи бўлсангиз, ҳаққини меъёрида тўлаб турсангиз, гуноҳкор бўлмайсиз. Аллоҳдан кўркингиз ва билингизки, албатта Аллоҳ қилаётган ишларингизни кўриб турувчи зотдир**».

Агар болани кўкрак сути бериб боқадиган бошқа аёл топилмаса, она ўз боласини кўкрак сути бериб боқишга мажбур. Бунинг учун у отадан ҳақ талаб қилишга ҳаққи йўқ.

Кўриб турганимиздек, ислом болани эмизишга масъулликни ота зиммасига

қилинган тартибда бола отасининг опа-сингиллари ва амма-холалари зиммасига юклатилади. Бунда отанинг онаси томонидан бўлган опа-сингиллари ва амма холаларига афзаллик берилади.

Агар юқорида санаб ўтилган аёллардан ҳеч бири бўлмаса, боланинг парвариши ва тарбияси ҳақида ғамхўрлик қилиш мерос олишда имтиёзга эга бўлган қариндошларга юклатилади.

Парвариш ва тарбиялаш муддати тугагандан сўнг ўғил бола тарбияси билан ота ёки имтиёзли мерос олиш ҳуқуқи эга бўлган қариндошлар ёки васий шуғулланади. Бу ўғил бола то бирор-бир касб-хунарни эгаллагунгача давом этади. Шундан сўнг у ўзи хоҳлаган жойда яшashi ва ишлаши мумкин. Агар ўғил боланинг бузук йўлга кириш, ахлоқий бузилиш хавфи бўлса тарбия то унинг соқоли чикқунча давом эттирилади.

Қиз болаларни парвариш қилиш ва тарбиялаш улар ҳайз кўргунгача онаси, онаси бўлмаганда онасининг онаси, бувиси, отасининг онаси, бувиси ва ҳ.к. томонидан амалга оширилади. Қиз бола балоғатга етгандан кейин уни фитна-фасоддан муҳофаза қилиш вазифаси отага, у бўлмаса унинг ўрнини босадиган эркак қариндошларга юклатилади.

Эр-хотин ажрашган тақдирда болани кимнинг тарбиясида қолдириш масаласи уларнинг хоҳишига қараб эмас, балки боланинг тарбияси билан кимнинг шуғулланиши мақсадга мувофиқлигига қараб ҳал қилинади.

Талок қилиниб иdda муддатини ўтаган она ўз боласини бошқа шаҳарга олиб кетиб тарбиялаши мумкин эмас. Чунки бола ота билан учрашиш имкониятидан маҳрум бўлиши мумкин. Агар онанинг собиқ эри билан никоҳи ўша шаҳарда қайд қилинган бўлса болани у ерга олиб бориб тарбиялашга руҳсат этилади. Шунингдек, она бошқа шаҳарлик бўлса, болани ўз шаҳрига олиб кетиб тарбиялаши мумкин.

Ота-оналарнинг фарзандлар олдидаги моддий мажбуриятлари озик-овқат, кийим-кечак, турар жой билан таъминлаш, қишда совуқдан, ёзда ис-сикдан сақлаш, касал бўлса даволатиш кабилардир.

Болаларга ғамхўрлик қилишга нафақат унинг ота-онаси, балки давлат ҳам масъулдир. Бугунги кунда ҳам мамлакатимизда ёш болаларнинг саломатлиги, ўқиб ўрганиб, ҳар томонлама баркамол бўлишига катта эътибор қаратилмоқда. Дунёга келган фарзанднинг соғлом ўсиши ва иқтисодий таъминотини йўлга қўйиш мақсадида у икки ёшга киргунча қадар давлатимиз томонидан нафақа пули (бола пули) берилиши жорий этилган. Бундан ташқари ноғирон болаларни ижтимоий таъминлаш ва уларни бепул даволаш чора-тадбирлари йўлга қўйилган.

Ислому фарзанд таъминоти аввало, отанинг бажариши лозим бўлган бурчларидан саналади. Ислому ҳуқуқида боланинг нафақасини беришга боланинг ўз отасидан бошқа ҳеч ким мажбур эмас, ота бой бўлса ҳам, фақир бўлса ҳам боласининг нафақасини ўзи бериши шарт ҳисобланади.

Нигора ЮСУПОВА

ПРЕЗИДЕНТДАН ОҚ ФОТИХА ОЛИШ БАХТИ

Бу йилги сўнги кўнғироқнинг
ҳаяжони ўзгача бўлди

Олдига мақсадни тўғри қўя олган одам муваффақиятнинг ярмига эришган ҳисобланади, дейишади доналар. Дарҳақиқат, бунинг нақадар тўғри экани ҳаётда аллақачон ўз исботини топган. Мактаб таълими инсон ҳаётидаги ана шу муҳим босқични бошлаб беради. Ҳар бир йигит-қиз катта ҳаёт сари илк қадам ташлаши учун пойдевор яратади бу даргоҳ.

Куни кеча юртимиздаги барча мактабларда сўнги кўнғироқ янгради. Бу йилги сўнги кўнғироқ битирувчилар учун ҳам, ўқитувчилар учун ҳам ўзгача ҳаяжонли ва кўтаринки руҳда бошланди. Чунки бу йил Ўзбекистонимиз тарихида илк бор мамлакат Президенти Шавкат Мирзиёев мактаб битирувчиларига табрик йўллади. Бу чиндан ҳам ҳаммамиз ҳавас қиладиган, ҳар қанча фахрлансак арзийдиган воқеа бўлди. Давлат раҳбаридан эзгу тилаклар билдирилган илк табрикни қабул қилиш мана шу авлодга насиб этди.

Инсоннинг ўз олдига мақсад қўйиши ҳақида бежиз гап бошламадик. Ота-боболаримиз ҳар доим катта ҳаёт сари учирма бўлаётган фарзандларига оқ фотиҳа бериш, мақсади сари илк қадам ташлаётган дилбандига оқ йўл тилаш каби эзгу қадриятни мудом эъзозлаб давом эттириб келишган. Оқ фотиҳа билан бошланган иш ҳар доим хайр-баракали, улкан натижаларга бўлган. Президентимизнинг мамлакатимиз мактабларини битираётган ўғил-қизларимизга йўллаган самимий тилакларини ҳам ана шу тарихий қадрият бўлмиш оқ фотиҳанинг ўзига хос бир кўриниши бўлди.

«Янги Ўзбекистон – мактаб остонасидан бошланади» деган шиор шунчаки баландпарвоз гап эмас. Бу кенг қамровли ҳаракат бугун таълим сифатини бутунлай янги босқичга олиб чиқиш, ўқитувчилик касби ва жамиятдаги ўрнини энг юксак даражага кўтариш, таълим моделини жаҳон андозалари асосида янгилаш борасидаги ишларда аллақачон илк натижаларини бермоқда. Мактаблар моддий-техник базасини яхшилаш, ўқув дастурлари ва замонавий инновацион педагогик амалиётни таълимга жорий этиш борасида қилинаётган ишлар натижасини бугун исталган мактаб мисолида санаш мумкин. Бу ерда асло қоғозда қолиб кетадиган ҳисоботларни назарда тутмаяпмиз. Таълимдаги натижа аввало мактаб битирувчиларининг билими, онг-тафаккури билан эришаётган муваффақиятлари орқали баҳоланиши керак. Ва шундай бўлапти ҳам.

Мамлакатимиз миқёсида қарийб 438 минг нафар ўқувчи ёшларимиз етуқлик шаходатномаларини қўлларига олгани айтилди. Мен аминманки, ана шу йигит-қизларнинг аксарияти камида битта хорижий тилни биладиган, муайян фанлар бўйича пухта тайёргарликка эга ва олий ўқув юртига кириш имтиҳонларида юқори балл олишга қодир билимга чанқоқ ёшлардир. Чунки бугунги ёшлар кўплаб фанлардан қўшимча тайёргарликни анча эрта бошлаш кераклиги яхши билишди. Бирор чет тилини ўрганмасдан жаҳонга чиқиш мумкин эмаслигидан хабардор улар. Энг муҳими, бунинг учун шароит ҳам, имконият ҳам етарли ҳозир. Охириги тўрт йилда 134 та янги мактаб қурилиб, 2 минг 965 та мактаб



реструкция қилинган, зарур жиҳозлар билан таъминланган ҳам фикримиз тасдиғидир.

Пойтахтимизнинг Сергели туманида жойлашган 68-умумтаълим мактаби ўз фаолиятини янгидан бошлаган бўлишига қарамай, бу йил илк қалдирғочларини катта ҳаёт сари учирма қилди. Битирувчиларимиз орасида иқтидорли ёшлар кўп. Мактабимиз битирувчилари орасидан олти нафари хорижий олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилинган айниқса қувонарлидир. 11-А синф битирувчиси Лазиза Авлоева бирйўла 17 та хорижий олий таълим муассасасига халқаро сертификатларини топшириб, талабалikka қабул қилинган. Бу иқтидорли ўқувчимиз эндиликда ўзи хоҳлаган олий ўқув юртини танлаб, ўқишни давом эттиради.

«Битирувчи ёшларни олий таълим билан камраб олиш даражаси 2016 йилдаги 9 фоиздан 2020 йилда 25 фоизга етди. Мазкур кўрсаткични жорий йилда 28 фоизга, 2030 йилда 50 фоизга етказиш – асосий вазифамиздир», дея алоҳида таъкидлади давлатимиз раҳбари ўз табриғида. Ўйлайманки, бунинг учун мактабларимиз имкониятини, ўқитувчиларимиз салоҳиятини йилдан-йилга ошириб боришдек масъулиятли вазифа юкланади бизнинг зиммамизга.

Мактабимизда сўнги кўнғироқ тадбирига йиғилган битирувчилар, уларнинг ота-оналари, устозлар – барчамиз мамлакатимиз раҳбарининг мактабларни битираётган ўғил-қизларимизга йўллаган табриғини катта фахрлиниш билан тингладик. Чунки юрт раҳбари ифтихор билан тилга олган иқтидорли ўғил-қизлар бизнинг мактабимиз битирувчилари орасида ҳам бор.

Ҳаяжонли лаҳзалар, олдига катта мақсадларни қўйган ўтқир нигоҳлар, катта ҳаёт масъулияти елкасига тушаётганидан жонсарақ бўлиб турган хаёллар... Сўнги кўнғироқ тадбирига йиғилган ўқувчиларни кузатар эканман уларнинг ҳаяжонидан ана шу туйғуларни уққандек бўлдим. Президентимизнинг «Мустақил ҳаёт сари ташлаётган илк дадил қадамнингиз қутлуғ ва муборак бўлсин! Сизларнинг ютуқ ва ғалабаларингизга ишонаман, азиз болаларим!» деган сўзлари уларнинг қалбида ҳамиша жаранглаб туришига амин бўлдим.

Журьят НОРҚУЛОВ,

Тошкент шаҳар Сергели туманидаги
68-умумтаълим мактаби директори

« Бола дастлабки тарбияни оилада оладиган бўлса, мактаб кейинги ўринда туради. Хўш, мактаб ҳақида кўпчиликнинг фикри қандай? Эртанинг ғами билан яшаётган одам бугуннинг қайғусига безътибор бўлмайди. Далага эрта баҳор тариқ эккан киши бугуннинг ҳосилини йиққанми ҳеч? Йўқ, албатта!

«УЛ ОДАТ ИЛА КАСБИ САОДАТ ҚИЛГАЙ»

Яқинда узоқ кишлоқ мактабларидан бирида бўлдим. Мен борган куни мактабга ота-оналар мажлиси чақирилган экан. Мажлисга бор-йўғи икки киши борган. Билишимча, олдинги чақирилган мажлис ҳам шу тахлит ўтган экан. Савол туғилади. Нега мажлисга ота-оналар келмади?

«Дарслар яхши ўтилмайди, болалар кўчада копток тепади, безорилик қилади», – дейди улардан бири.

«Қизингиз мени алдади. Уйда нон ёпаман, онам касал, жавоб беринг, деб дугонаси билан дарсдан чиқиб кетди, улар қаерга борди? Нега болаларингизга қарамайсиз, дарс ўтилмайди дейишни биласизлар! Сизнингча, биз нима қилишимиз керак?!» (Директорнинг гапидан).

Бола тарбияси, албатта, нозик масала. Ота-она, ўқитувчи бу ишда зукко, чидамлироқ бўлиши керак эмасми, ахир. Бу борада намуна бўла олган кишигина юксак натижага эришади. Зеро, Навоий бобомиз шундай деганлар:

*Фарзанд ато қуллагин чу одат қилгай,
Ул одат ила касби саодат қилгай,
Ҳар кимки атога кўп риоят қилгай,
Ўғлидан анга бу иш сироят қилгай.*

Мактабдан қайтар эканман, бир ўқувчи киз билан суҳбатлашиб қолдим. У мактабдан, баъзи бир ўқитувчилардан нолиди.

«Ўқитувчилар дарсда болаларнинг чўнтақларини кавлаб носвой, сигареталарини, пулларини олиб қўйиб, ота-оналарига чақишади, баъзан шармсиз сўзлар айтиб, болаларни уялтиради, бу ерда ўтирган қизлар ер чизиб қолади. Ўқитувчи кўпол бўлиши керакми? Хаёлингизга бу қиз ёмон қиз экан, устозларини ёмонлапти, деган фикр келмасин, яхши ўқитувчиларимиз ҳам кўп, ўзингиз ўйлаб кўринг, бу каби хурмача қилиқлар одоб доирасига тўғри келадими? Холироқ жойда чиройли қилиб танбех берсам бўлади-ку. Кошки ўшаларнинг ўзлари чекмаса, ичмаса, танаффусларда болаларнинг кўзи олдида чекишиб яна нима ишташади?..

«Устозингнинг айтганини қилу, қилганини қилма», деган гапни қачонгача рўқач қилиб ўзларини оқлайдилар. Мактабимизга



янги келган ўқитувчиларга ҳавас қиламиз, аммо ҳеч қанча ўтмай, улар ҳам бошқаларнинг таъсирига тушишади».

Куйинчак ўқувчи кизнинг гаплари таъсирлантириб юборди.

Нега биз ўзимиздаги ёмон иллатларни йўқотишга ҳаракат

қилмаслигимиз керак? Ахир, соғлом, баркамол давлатимиз равнақи учун ҳар биримиз соғлом фикрламоғимиз лозим-ку.

Хўп, бу мактаб важлари бўлса, оилада-чи?.. Бугунги ёшларнинг кўпчилиги дангасалик касаллигини юқтирган. Ярим тунгача шовқин-сурон қилиб, ичиб-чекиб юрган ёшларни тўхташиб, «Кимнинг ўғлисан?» деб сўраб кўринг, «Нима ишинг бор? Тошингни тер!» дейишдан ҳам тоймайди. Бунга ким айбдор? Энг аввало ота-она эмасми?

Абу Лайс Самарқандий «Бўстон ул-орифин» китобида шундай ривоят келтиради.

«Абу Толиб ҳазратлари ёшлиқларини шундай ёд қилурлар.

Отанинг дўстлари даврасида ўтирган чоғларида хонага кириб, пойгақда ўтирсам, ҳазрат майин қулиб, бош ирғаб қўярдилар. Улуғларнинг суҳбатидан баҳраманд бўлардим. Бу муҳит каминага маърифат дарвозаларини катта очди».

Хулоса чиқариш эса, ҳар кимнинг ўзига ҳавола.

P.S.: Бу гаплар мактабларда сўнги кўнғироқлар чалиниб, галвир сувдан кўтарилгандан кейин ҳукмингизга тақдим этиляпти. Боиси, кейинги мавсумни бундай иллатлардан холи кўриш учун олдимизда уч ой муддат бор. Эҳтимол, шу муддатдан унумли фойдаланиш вақти келгандир, ҳурматли ота-оналар...

Акмал ИКРОМ

МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ ТРАНСПОРТ ЙЎЛАКЛАРИ

Ўзбекистон манфаатларига жавоб бера оляптими?



Ўтган йили Жаҳон банкининг логистика самарадорлиги бўйича рейтингида Ўзбекистон 160 мамлакат ичида 99-ўринни эгаллади. Марказий Осиёдаги энг йирик ва иқтисодий жиҳатдан жадал ривожланаётган республика учун бундай натижа қониқарсиз, албатта. Ҳарқалай, Ўзбекистон денгиз йўлларида узокда жойлашгани ва бу миллий маҳсулотларни дунё бозорларига тез, қулай ҳамда арзон нархларда етказиб беришга тўсқинлик қилаётганини инобатга олиш зарур. Мазкур ҳолат сабаб мамлакатнинг экспорт салоҳияти ҳамда глобал миқёсдаги рақобатбардошлиги пасаймоқда.

Ташки савдо маршрутларини диверсификациялаш муаммонинг ягона оптимал ечими бўлиши мумкин. Инчунин, Ўзбекистонни бошқа минтақалар билан боғлайдиган муқобил транспорт коридорларини излаш масаласи охириги йиллар кун тартибидан тушгани йўқ. Мамлакатнинг транспорт-коммуникация соҳасидаги сиёсати ҳамда халқаро логистика лойиҳалардаги иштирокига доир бир қанча саволлар билан «Ma'no» тадқиқотлар ташаббуси маркази директори, сиёсатшунос Бахтиёр ЭРГАШЕВга юзландик.

– Қозоғистон ва Туркменистонни ҳисобга олмаганда Марказий Осиё давлатлари денгиз йўлларига тўғридан-тўғри чиқа олмайди. Шу туфайли улар минтақани дунё бозорлари билан боғлайдиган муқобил логистик маршрутларни излашга мажбур. Бу жиҳатдан Ўзбекистоннинг мавжуд транспорт тизими (автомобиль ва темир йўллари) ни қандай баҳолаган бўлардингиз?

– Авваламбор, бир нарсага ойдинлик киритсак. Каспий денгизи ички континентал сув хавзаси ҳисобланади. Шу боис моҳиятан на Қозоғистон, на Туркменистон ва на Марказий Осиёнинг бошқа республикалари очиқ денгиз портларига тўғридан-тўғри чиқа олади.

Амалдаги транспорт коридорлари орқали битта юк контейнерини Ўзбекистондан хорижга жўнатиш денгиз йўли билан етказиб беришдан кўра салкам уч баравар қимматга тушади. Бу дунё бозоридаги рақобатбардошлигимизни тушириб юбораётган энг асосий омидир. Транспорт харажатларининг юқорилиги импорт маҳсулотлари нархига ҳам таъсир кўрсатмоқда.

Ҳарқалай, ўтган йиллар ичида Ўзбекистон ташки савдо маршрутларини бирмунча диверсификациялашга эришди. Илгари фақат шимолга йўналган халқаро темир йўлдан фойдаланардик. 1990-йилларнинг иккинчи ярмида эса Тежен шаҳри (Туркменистон) орқали Форс кўрфазига чиқиш ҳамда Эроннинг Бардар-Аббос денгиз портидан фойдаланиш имконияти пайдо бўлди. Дарвоқе, ўз вақтида ўзбек пахтаси айнан шу йўл билан жанубий бозорларга етказиб берилган. Янги йўналиш ҳисобига республиканинг транспорт харажатлари бирмунча кискарди.

Кейинчалик Қозоғистон орқали Шарқий Хитойга йўл очилди. Бундан ташқари, охириги икки-уч йилдан буён мамлакатимиз логистика компаниялари юк контейнерларини Ўрта Ер денгизи, жумладан, Туркия портларига жўнатишти. Бунда Жанубий Кавказ («Боку – Тбилиси – Карс») транспорт йўлаги, айниқса, кўл келмоқда.

Кўриниб турганидек, эндиликда Ўзбекистон юк ташувларида фақат шимол-ий йўналиш – Қозоғистон ва Россияга боғланиб қолмаган. Муқобил транспорт маршрутларидан фойдаланиш хорижий ҳамкорлар билан савдо алоқаларини кенгайтиришга хизмат қилмоқда. Шунга



қарамай Ўзбекистон жаҳон бозорларига чиқиш учун янада мақбул вариантларни излашда давом этяпти.

– Ўзбекистон бир қанча халқаро транспорт коридорларига қизиқиш билдирмоқда. Эрон ва Покистон денгиз портларига олиб чиқадиган трансфғон темир йўл магистраллари, «Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон» темир йўли, «Боку – Тбилиси – Карс» транзит йўлаги шулар жумласидан. Ушбу лойиҳаларнинг ҳозирги ҳолати ҳақида нима дея оласиз? Уларнинг муваффақиятли амалга ошиши Ўзбекистонга нечоғли боғлиқ?

Юқоридаги савдо маршрутларининг қайси бири биз учун муҳимроқ?

– Ҳозирги кунда трансевроосиё транспорт коридорларининг фаоллашувини кузатяпмиз. Улар жаҳон савдосининг йирик субъектлари – Европа мамлакатлари, Хитой ва Ҳиндистонни бир-бири билан боғлайди. Ўзбекистон ушбу вазиятдан унумли фойдаланишга ҳаракат қилмоқда. Бунинг учун, аввало, транспорт маршрутларини диверсификациялаш, яъни фақат денгиз, ёки фақат курукликдаги йўллар билан чекланиб қолмаслик зарур. Ўзбекистоннинг амалдаги транспорт сиёсати худди шу мантиққа асосланган.

Бугунги кунда Ўзбекистон қизиқиш билдираётган транспорт коридорлари аслида халқаро логистика тизимининг бир бўлаги саналади. Ушбу йирик лойиҳалар мамлакатимиз иқтисодий манфаатларига жавоб беради. Аммо уларнинг муваффақиятли амалга ошиши бизгагина боғлиқ эмас. Масалан, юртимиз учун биринчи даражали аҳамият касб этадиган «Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон» темир йўлини қуриш 1997 йилдаёқ тақлиф этилган. Бироқ турли ички ва ташқи омиллар сабаб ишлар ҳалигача якунига етказилгани йўқ. Ваҳоланки, мазкур транспорт коридори учала томонга мислсиз фойда келтиради. Биргина мисол, Хитойнинг Қашғар транспорт-логистика марказида турган юк состави Қозоғистон

орқали Ўзбекистонга келиши учун камида ўн кун йўл юриши керак. «Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон» темир йўли орқали эса юкларни бор-йўғи икки кунда манзилига етказиб бериш мумкин бўлади. Фарқини кўряпсизми?!

Янги логистика йўналиши нафақат Ўзбекистонни, балки Узоқ ва Яқин Шарқ, Жанубий Европа, ҳатто Шимолӣ Африка минтақалари, қолаверса, Жанубий Кавказ транспорт коридори орқали Туркияни ҳам Хитой билан боғлай олади. Лойиҳанинг иқтисодий самарадорлиги юқори бўли-

– «Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон» темир йўли қурилишига тамал тоши қўйилганидан буён Қирғизистонда давлат раҳбарияти беш марта алмашди. Ҳар сафар бу масалада музокараларни янгитдан бошлашга, ҳар қайси президент билан алоҳида келишувга эришишга тўғри келган. Мамлакатдаги мана шундай сиёсий беқарорлик салкам чорак асрдан буён темир йўл қурилиши бўйича бир тўхтамага келишга имкон бермапти. Қолаверса, республикада маҳаллий элиталарнинг давлат сиёсати ва юқори доирада қабул қилинаётган қарорларга таъсири жуда катта эканини унутмаслик керак.

Қирғизистоннинг позицияси ташки кучлар хоҳиш-истакларига қараб ҳам ўзгариб туради. Жумладан, Россия Қашғардан Ўшгача темир йўл етказилса, Хитой ҳарбий техникасини Марказий Осиёга тўғридан-тўғри олиб ўтиши мумкинлигидан қўрқади. Янги транспорт коридори Россиянинг нафақат геосиёсий, балки иқтисодий манфаатларига ҳам зид. Расмий доираларда мазкур лойиҳа Қозоғистон ва Россия худудидан ўтган ҳамда Хитойни Европа билан боғлайдиган темир йўл орқали юк ташувларининг асосий қисмини олиб кўяди, деган қараш мавжуд. Аслида бундай йўқотиш нари борса 10-15 фоизни ташкил қилади, холос. Лекин транспорт компаниялари шу даромадидан ҳам айрилишни хоҳламайди. Улар ўз манфаатини тиш-тирноғи билан химоя қилмоқда. Садир Жапаров вазиятни ижобий томонга ўзгартира олишига шахсан менинг ишончим комил эмас.

Нима бўлганда ҳам «Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон» темир йўлининг қурилиши ўз долзарблигини саклаб қолаверади. Ҳозирда Хитой ва Эроннинг савдо-инвестиция соҳасидаги ҳамкорлиги мустаҳкамланмоқда. Бу эса истиқболда икки мамлакат ўртасидаги савдо ҳажми ортиб боришини аңлатади. Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари, Туркия ҳамда Жанубий Европада юкларни Хитойга Ўзбекистон орқали жўнатиш қандай маршрут танланишидан қатъи назар, масофани ўртача 500-600 километрга қискартириш имконини беради. Иқтисодий ҳисоб-китоблар кун келиб геосиёсий фобиялардан барибир устун бўлиб чиқишига умид қиламан.

– Ўзбекистон «Мозори-Шариф – Қобул – Пешавор» темир йўли қурилишидан манфаатдор. Лекин Афғонистондаги нотинчлик сабаб баъзи экспертлар мазкур лойиҳа истиқболига шубҳа билан қарамоқда. Сизнинг фикрингиз қандай?

– Трансфғон темир йўлининг Ўзбекистон учун аҳамияти ниҳоятда катта. У Покистоннинг Ҳинд океани соҳилидаги Гвадар портига чиқиш имконини беради. Гвадар эса дунё бозорларига йўл очувчи эшикдир.

Бироқ бирданига бир нечта йирик логистик лойиҳаларда иштирок этишга Ўзбекистоннинг молиявий ресурслари етмайди. Айни вақтда мамлакат жадал ўзгаришлар даврини бошдан кечирмоқда, иқтисодий ислохотлар ҳали яқунлангани йўқ. Бундай шароитда Пешаворгача темир йўл қурилиши харажатларини гарданимизга ололмаймиз. Ўйлашимча, бу масалага 7-8 йилдан кейин қайтиш мумкин. Ўшанда Ўзбекистон ялпи ички маҳсулотнинг йиллик ўсиш кўрсаткичи 6 фоизга яқинлашиб, иқтисодий ривожланишда анча олдинга чиқиб оламин.

Наргиза УМАРОВА,
журналист

шига қарамай, афсуски, ҳозирча мазкур масалада геосиёсат ютиб чиқмоқда.

Жанубий йўналишда ҳам Ўзбекистон манфаатларига жавоб берадиган лойиҳалар талайгина. Эроннинг Бандар-Аббос ва Чобаҳор денгиз портларига чиқувчи транспорт маршрутлари шулар жумласидан. «Мозори-Шариф – Ҳирот» темир йўли Эроннинг Хаф шаҳри орқали Ҳинд океанига чиқиш имконини беради. 600 километрлик ушбу транспорт йўлаги қурилишидан нафақат Марказий Осиё давлатлари, балки кўшни Афғонистон ҳам ютади. Лекин бу ерда яна геосиёсат устунлик қилмоқда. Эроннинг АҚШ ва Исроил билан муносабатлари таранг. Бундай шароитда Эрон портларига чиқувчи темир йўл маршрутлари геосиёсий хавф остида қолиши аниқ.

Бошқа томондан, Ўзбекистон Покистоннинг Гвадар портига чиқадиган «Мозори-Шариф – Қобул – Пешавор» трансфғон темир йўлига ҳам катта умид боғламоқда. Мазкур лойиҳа амалга ошса Марказий ва Жанубий Осиё минтақалари энг қиска йўл орқали бир-бир билан боғланади. Пировардида биз учун жадал сурьатларда ривожланаётган Покистон, Ҳиндистон, Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари бозорлари очилади.

Бироқ, менинг назаримда, ҳозирча Ўзбекистон асосий диққат-эътиборини Покистон йўналишига жамламагани маъқул. Айни вақтда бор кучни «Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон» транспорт коридорига ташлаш керак. Чунки бу лойиҳадан тез ва катта фойда кўрса бўлади.

– «Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон» темир йўлини қуриш 1997 йилда ўша вақтдаги Ўзбекистон Президентини Ислом Каримов тақлиф қилганди. Бироқ орадан шунча вақт ўтиб ҳам лойиҳа якунига етгани йўқ. Бунга нима тўсқинлик қилмоқда? Қирғизистондаги янги раҳбарият даврида вазият ижобий томонга ўзгаришига умид борми?

ИНСОННИЯТ УСТУНИ

«Қадим замонларда адолатпарвар Саодатшоҳ ҳукмронлик қилган улусдаги бир деҳқон йигитнинг онаси қазо қилиб, ўғил отаси билан қолибди. Боз устига, ота қутуриш касалига йўлиқиб, шоҳнинг буйруғига кўра ўтда куйдирилиши керак экан...

Деҳқон йигит не қиларини билмай, отасини тунда кишлоққа яқин тоғнинг ён бағридаги ғорга олиб борибди. Фарзанд ҳар кун тонгда отасининг хузурига бориб, уни кунлик иссиқ-совуғидан хабар олиб, фарзандлик бурчини чиройли адо этибди. Отаси ёлғизликда ғордан чиқмай яшаши туфайли махлуқсифат киёфага кирибди. Ўғил не қиларини билмай отасини занжирбанд этиб, қаровни яна давом эттирибди. Шундай бўлса-да, унинг сири ошкор бўлиб, кутурган одамни яширгани учун йигитга жазо бериш мақсадида шоҳнинг ўзи кутурган чолни ўз кўзи билан кўришга келиб лол қолибди. Чунки махлуққа айланган отанинг касаллиги илоҳийдан бўлиб, фарзандга юкмаган экан. Шу боис фарзандларга ота-онани эъзозлаш мақсадида ҳикматли буйруқ бериб, болани жазодан озод этган экан.

Ҳамма шоиру носир, сал-пал овози борлар онасини мадҳ этаётган бир пайтда мен отамга, падари-бузрукворимга қасида битишни кўнгилга тугдим. Волидаи-муҳтарамаларимизнинг улуғлиги, уларга битилган бир дунё касса ва ҳикматларга тил ва дил билан икром бўлган ҳолда отамга, мен учун дунёдаги энг буюк одамга илтижо қилгим келади...

Агар у кишига бир кунлик ҳаёт берилсаю, мен юз бора у киши учун ўлиб-тирилиб, оёқлари остида эгилиб-букилиб, қулдек хизматини қилиб, ҳаловат топсам эди...

Биринчи фасл

Аслида Аллоҳ инсонни лойдан ясаган, унга жон ато этгач, Одам Ато ёлғизлигидан унга ўз жуфтини ўзининг қовурғасидан яратгани жуда сирлидир. Биринчиси шуки, дунёнинг мавжудлиги ва ривожу жуфтлик иладир. Иккинчиси эса, аёлнинг эркак жисмидан экани билан ундан олдин яратилган ва муайян даражада устунлик эркакда экани асосланган. Демак, муқаддас динимизда эрлар аёллардан устунлиги ҳикматдир. Чунки устунлик эркакнинг зиммасига аёлнинг барча ғам-ташвиши, ҳаёт қувончини юклаши билан мустаҳкамланган. Учинчи сири, эркакнинг елкасига нафақат ўзи, балки аҳли аёлининг шон-шарафи, обрў-этиборини зийнатлаб, ҳаммаша савоб ишлар қилиш имкониятига эга бўлиш ила Одам Атонинг ҳаққини адо этишдир. Қиссадан ҳисса шуки, оилада оталарнинг мақоми шу қадар юксак. Шу боис Парвардигор инсониятга ота-она, насл-насаб ва ўлиш вақтини танлаш имконини билдирмаслиги буюк муқофот экан.

Ота рози – Худо рози, отанг ўтирган уйнинг томига чиқмагин, отангнинг кўзига тик боқма, онанинг қарғиши дўк, отаники – ўк, отанг қутуриб кетса, боғлаб бок каби бир ўрам ҳикматларда юқоридаги фикрлар мустаҳкамланган. Бир ота ўн боласини боқа оларкану... У ёғини айтинг келмайди...

Яна раҳматли Муҳаммадсодиқ ҳазратларидан эшитганим борки, ота ду-

оси болага ўсиб-униш, бахт-саодатга эришиш, ўзига жаннатдан бир қаср қуришдек савобларни бераркан. Отанинг ўнта боласи бўлса, уларни бир хил яхши кўриш ҳам оталикнинг хос белгисидир. Ота оиланинг ҳақиқати, ҳаққи бўлганидан ул зотнинг фикрини эшитиш фарзандларга фарз этилган.

Иккинчи сирнинг асосий жиҳати – эркак ва аёлларнинг илоҳий асосда қовушишидан бўлган фарзандлар ота уруғидан экани, яъни боланинг насл-насаби ота номи билан боғланишидир. Бу ҳол отанинг оиладаги фарзандларнинг тўла моддий ва молиявий жавобгарлигини ўз зиммасига олиши билан ифодаланган. Ота ёзда яланғоч, қишда яқтакчан бўлса-да, совуқ ўтмай, боласига ёзда кўйлак, қишда чиройли пальтолар кийдириганига не дейсиз...

Ҳикмат: ота оғир дардга чалиниб, узоқ вақт азоб чеқди. Отасининг тортган азоб-уқубатини кўрган фарзанд отасига ачиниб, «Аллоҳдан отасининг жонини олиб, уни азоблардан қутқаришни илтижо қилди...

Худди шу дамда ўзга бир шаҳарда балоғат ёшига етган бир йигит оғир касалликка чалиниб, оғриқ азобини чекиб ётарди. Боласининг тортган дардларини кўрган ота ҳам «Аллоҳим, шу фарзандимнинг дардини менга бергин, менинг жонимни олгину, боламга ҳаёт бергин», дея илтижолар қиларди. Буюк бобомиз Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг ўғли Хумоюн, кизи Гулбаданбегимнинг бетоблигида тутган аъмолини эслайлик.

Ўтган кунларда ҳинд подшоҳлигида ота ва боланинг умумий ҳашарга чиқмагани туфайли жазолашга тўғри келган. Аввал отага юз камчи урилганда ота ҳам, бола ҳам жим туришган. Навбат болага етганда ҳар камчида боладан кўра ота уввос солиб додлаган.

Иккинчи фасл

Абдулла оғам «Боланинг барча ғам ташвишини ота кўтарадию, бола отанинг бир ташвишини кўтаролмайди», – дерди. Кейин ота болани елкасига кўтариб кетаётгани, бола шолিপоядаги лайлакни юз бора «Дада, у нима?» — деса, «Ўғлим, лайлак» – дея жавоб бериши, кексаликда эса, кўзи хиралашган ота ўғлидан икки марта лайлакни сўраса, жеркиб бергани ҳақидаги ривоятни кўп эшитгансиз.

Шоир Зиёвиддин дўстим кенжа ўғлимни хорихдаги олийгоҳда ўқиши, каттаси университетда муаллим, қизим касб-хунар коллежида мураббий эканини эшитиб, шу қадар хурсанд бўлдики, ҳеч сўраманг. У узоқ ўйланиб туриб, «Одамлар бир-бировидан қанча пули борлиги ҳақида сўрамайди, фақат фарзанди ҳақида сўрайди», – дея мени шаҳардаги нақадар катта бойлардан эканимни башорат қилди. Кўнглим

бир дунё кўтарилиб, оламларга сиғмай кетдим.

Ота одатда оила боқувчиси, ҳимоячиси, етакчиси, шон-шарафи ва виждони, айни вақтда бошқарув масъулиятидадир. Қадимда оталар шундан жуда номусли, оиланинг обрўси учун кафолатда турган, аслида болаларнинг хатти-ҳаракати, ижобий ва салбий тарбиясига жавобгарликни ўз зиммасига олган шахс ҳисобланган. Раҳматлигим нима учундир шомдан сўнг кўча дарвозани кулфлар, «қоронғида ўғрилар, жинлар юради», – дердилар. Маҳалламизда Бултурхон холамларниқанда телевизор бўлиб, «Оталар сўзи – ақлнинг кўзи»ни кўриш катта қувонч бўлар, лекин отамнинг кўрсатган вақтидан кеч қолиш мумкин эмас эди. 1973 йил онамнинг муқофот пулига телевизор олиш биз учун космосга ракета учишидек «буюк воқеа» бўлса-да, отамизнинг «программаси» бўйича кўрардик. Ундан чиқиш ёки ўзгача ташаббуслар қабул қилинмасди.

Раҳматлигимиз бизни уйда дарс қилишимиз, мактабдаги ўзлаштиришимиз юзасидан назоратни каттик ушлардилар. Биз ҳар куни тонгда ҳарбийлардек саф тортардик. Бизга кунлик

Болангнинг бир пиёла чой тутиши, ўзинг новвой бўлсанг ҳам икки дона иссиқ нон ила сени йўқлаб келиши билан бутун умр болангга қилган сарф-харажатинг, тортган азоб-уқубатларинг унут бўларкан...

топширик берилиб, кечки овқатдан сўнг ҳисобот қабул қилинарди. Ўғрилик, қиморбозлик ўта оғир гуноҳ ҳисобланиб, жазодан қочишнинг иложи йўқ эди. Телевизордаги ичкилик, тамаки чекиш, қиморни ҳам кўришни тақиқлар эдилар. Шу боис, отамиз маҳалламиздагиларнинг «фақат илигига саваш керак» тамойилига амал қилар, хипчинлар захира қилиб қўйиларди.

Отанинг ургани ун оши, сўккани сўк оши қилиб ичилган. Шу билан бирга, мактабда ҳам устозларнинг шапалоқларидан еб турардик. Айниқса, катта акам домласидан калтак еб келса, роса суюнар, демак тарбия яхши

йўлга қўйилибди, деб ҳисобларди. Устоз бекорга урмаганига шубҳа ҳам қилмасди. И.Кантни ўқимаган отам ахлоқ инсоннинг юзи эканига, тарбиясизлик инсонни тубанликка бошлашига ишонарди. Отамнинг ҳар бир хипчини мени бугунги одобим, илм-фандаги ютуқларимнинг сабаби эканига тилим ва дилим билан икром бўламан.

Бир танишим «Отамнинг юзларини эслолмайман», дейди. Чунки бола бўлиб ота юзига тик боқиб кўрмаган эди. Қизик, жуда қизик...

Учинчи фасл

Инсон ҳаёти фасллар каби бўлганидек, одамнинг қариллиги ҳам бир давр ҳисобланаркан. Биринчидан, куз яхши келди ёки ёмон келди деганларидек, одамлар кексаликда чиройли қаримаса, инжиқ бўлиб қоларкан. Бу ҳолда оталар болаларни ҳам бездириб юбориши тайин. Шунданми, сабрсиз фарзандлар уларнинг кўнглини оғритиб ҳам қўйишаркан.

Аслида қариллик ота учун бутун ҳаётининг тарбиявий сарҳисоб давридир. Одам нима экса, ўшани ўриб олади. Эътироф этиш лозимки, одам иззатталаб, алоҳида ҳолларда меҳр-муруватга муҳтож ҳам бўлиб қоларкан. Болангнинг бир пиёла чой тутиши, ўзинг новвой бўлсанг ҳам икки дона иссиқ нон ила сени йўқлаб келиши билан бутун умр болангга қилган сарф-харажатинг, тортган азоб-уқубатларинг унут бўларкан... Ортингдан қолган ўғил-қизларинг оқил бўлса, берди худо, ноқобил бўлса, урди худо деганларидек, кексаликнинг гашти фарзанддан экан. Биродарларимизнинг оталарига чиройли автомобиллар совға қилишлари, унинг ёнилғисини мунтазам қуйиб, оталари хизматига шай қилишлари дунё гўзалликларининг энг гўзалидир. Бу каби сахий биродарларимизга Аллоҳнинг раҳмати ёғилиб, улар юз минг қул озод қилганининг савобларини олиши ваъда қилинган.

Отанинг ўғилларидан кексаликда белимга қувват бўлармикан, мандан кейин чироғимни ёкиб дуоларда турармикан, деган умидлари бор. Чунки ўғил бор экан, отанинг тобути ерда қолмай-



ОТА

чикиб, она идеали томон ўзгариб кетди. Ҳаттоки, шўролар тузими даврида эркак мақомига нисбатан аёл мақомига сунъий урғу берилиши туфайли минтақа халқлари ҳаётида жиддий миллий-диний, ҳаттоки маданиятимизда беғоналашув юз берди. Энди оилада бола тарбиясида отанинг таъсири, аниқроғи, тарбиявий аҳамияти пасайиб, онанинг «адвокатлиги» ҳал қилувчи аҳамият касб эта бошлади. Натигада оилавий



ди. Ўғил бор экан, уйда қозон қайнаб, ҳар кун-тун таомдан сўнг дастурхонда дуолар ўқилиб, унинг савоблари отага етказилиб туриларкан. Бу савоблар оталаримизни қиёматгача жаҳаннам ўтидан сақлаб қоларкан.

Катта бир адиб дўстимиз падари бузрукворининг қўлёзмалари устида узок ишлаб, унинг китоб ҳолидаги нашрини шеърга қизиқувчи китобхонларга эҳсон қилди. Энди ўйлаб қарасам, дўстимиз отаси учун туя сўйиб худойи қилгандан зиёда иш қилибди. Набирам шоирнинг тўпламидан шеърлар ёд олиши, яна адабиётга қизиқиши шоир руҳини шод этиши эмасмикан?!

Яна бир юртда таниқли муаллимнинг ўғли олийгоҳда энг аълочи ва хулқи яхши талабани рағбатлантирувчи стипендия таъсис этиши қандай гўзал ҳолат. Муқаддас китобларда эслатилганидек, ота-оналар учун қилинган фарзандларнинг савоб ишлари уларни дўзах ўтидан сақлаши билан ўзларига бахт-саодат йўлини очиб, фарзандларига бу удумни мерос сифатида ўтказиши янада чиройли анъанадир. Қиёматда барчани сўроққа чорлаган пайтида одамлар икки ўт орасидан ўтиб, шундай каттиқ чанқар эканки, шунда Аллоҳ уларга фарзандлари томонидан зам-зам сувлари билан югуриб-елиб ота-оналари чанқоғини қондиришга имкон бераркан. Яна бир ҳикमतда жуда савобли фарзанд жаннати қилиниб, жаннатнинг энг юқори қисмига руҳсат этилганда ота-оналари ортда қолса, Аллоҳга илтижо қилиб, уларни ўзларидан юқорига ўтказишни сўраркан.

Хулоса фасли

Юртимиз кундан-кун очилиб бўй кўрсатаётган бир вақтда миллий таракқиётимиз оила, унда отанинг ижтимоий мақомини қайта тиклашга бевосита боғлиқ бўлиб қолди. Зеро, тарихан аёллар ҳуқуқларини эркаклар билан тенглаштириш борасида жойларда тўғри тушунолмади, жисмоний тенглаштиришга интилиш миллий менталитетимизга жиддий таъсир этди. Миллатнинг миллий истиқболи ўзининг миллий-диний қонун-қоида, одат ва анъана каби қадриятларига амал қилишига бевосита боғлиқдир.

Энг муҳими, оилада ота ибратиди шаклланаётган бола тарбияси издан

демократия остида болалар анархияси, ота-оналарнинг болалар тарбиясида назорати ва ҳамкорлигига жиддий путур етди. Ўзбек оиласидаги демократия шарқона тусда бўлиши лозим.

Отаси борнинг боғ-роғи, макони, Ватани бор. Фарзанднинг кўнгли тўқ, иши бароридан келаверади. Чунки ўзга юртда юрган бола уйда отасидан умидвор бўлиб яшайди. Қаттиққўл ота – аслида боласининг энг меҳрибон дўсти. Мевали дарахтни одам қанчалик эътибор билан ўстирсин, ота ҳам болага шундай шакл бериб эзгуликка етаклайди. Қаровсиз дарахтнинг меваси кам, ўзи ҳам хунук бўлади.

Ҳикматларнинг ҳикмати шуки, ота боласидан бировга шикоят қилолмай ичига ютса, бола отадан ҳар қадамда норози бўлиши мумкин экан. Шунда ҳам ичида чин дилдан боласини дуо қиларкан. Яна бир қизиқ жиҳати, у зот боланинг ҳар қанча дарду ғамини кўтарса-да, лекин фарзанд ортидан келган яхшилик ва қувончни кўтаролмай, йиғлаб юборар экан. Фарзанди учун қамчиласангиз чидаркану, лекин фарзанди ортидан яхши гап ва мақтовларни кўтаролмай кўзига ёш оларкан. Қиз узатганда боласи бахтидан, орзулари ушалганидан йиғламаган отани бизга кўрсатинг?..

Оилавий тарбияда миллийлик шўролар тузими даврида пасайтирилиб, ўзга халқлар удуми киритилиши ҳам асосий сабаб бўлди, дегимиз келади. Шарқона менталитетда отанинг ўрни, унинг қатъий тарбияси боланинг шаклланишида зарур деб ўйлаймиз. Отасидан ҳайикмаган ўғил келгусида отаси ва яқинларига меҳрсиз ўсади. Отанинг тажрибаси сут билан кирганидан болага оила қурганда асқатаркан. Отанинг обрў-эътибори, онанинг оиладаги бола ҳимоячиси, қизларни хос тарбиячилари бўлиши каби тизимни янада шакллантиришга эҳтиёж ортмоқда.

Ота кўчанинг одами бўлса-да, борининг ўзи, дарвозадан киришда йўталиши, қиз боланинг қумушона тарбияси қафолатидир. Бу эса, бошқа бир суҳбат учун мавзу. Бугунги талабчан ўқувчи ёзганларимиздан зарра мисқоли маънавий озик олган бўлса, оталарига томон бир қадам кўйишса, унинг савобу ажридан умидворимиз, холос.

Абдурашид МИРЗААҲМЕДОВ,
фалсафа фанлари доктори

Ижтимоий тармоқлар оралаб...



Shahnoza Soatova
Вчера в 11:04 · 🌐

ГАЗНИ БОСИШ ҚУРОЛ ТЕПКИСИНИ БОСИШДЕК БЎЛИБ ҚОЛМОҚДА

Ангрнда машина ичида одамлар тириклайин ёнаётган, ташқарида яқинлари ҳеч қандай ёрдам бера олмай дод солаётган авария видеосини кўриб, мазам қочди, рости.

Бизда одамларнинг руҳиятига салбий таъсир қилмасин деб бундай видеоларни кўп кўрсатишмайди. Шунгами, авариялар борасида, ҳолатнинг нақадар фожиалилиги тўғрисида тасаввуримиз кам. Газни босамиз, қоида бузамиз, қоидабузарларни ёқлаймиз, камераларни тошбўрон қиламиз, қоидабузарликка қарши жамоатчилик назоратини «қозёллик» деймиз...



Қанча вақт кетказдик, қоидабузарликларни видеога олиш тўғрими ёки нотўғри деб, баҳслашиб. Шу вақтда неча-неча одамлар йўлларда ўлиб кетди. Бир машинада бир оила, бир неча оилалар, 1 ёшдан 18 ёшгача бўлган болалар ва катталар ҳалок бўлди. Сўнгги бир ҳафтада бу ҳақида 4 та хабар кўрдим. Агар Ремарк тирилиб келиб, уруш даҳшатларини ёзганида, бу авариялар, уларда ёнаётган, парчаланаятган одамлар ва улар ортидан яна барбод бўлаётган неча тақдирларни кўриб, фантазия ҳам қилиб ўтирмасди, шундоқ ҳолатимизни кўчириб, яна бир даҳшатли шедевр ёзарди. Афсуски, биз бугун ўз бефарқлигимиз, «кўча понятқаларимиз» ва 1 ёшлик гўдақларимиз қони билан бу «даҳшатли шедевр»ни ёзаямиз. Ишонинг, бу XXI аср уруши – бефарқлик, худбинлик, қоидаларни менсимаслик ортидан бераётган қурбонларимиз.

Вазият ўзгариши керак, одамлар! Газни босиш қурол тепкисини босишдек бўлиб қоляпти-ку!!!

Ҳайдовчи, сенинг маркабинг – шунчаки машина эмас, сен ҳам шунчаки ҳайдовчи эмассан. Тезликни меъёрдан оширганда, рулни мумкин бўлмаган томонга бурганда, керак вақтда тормозни босмаганда ва яна кўплаб ҳолатларда сен потенциал қотилга айланишинг мумкинлигини тушун. Сени шу чегараларга яқинлаштирмай турган ўша камералар ва уларнинг эгаларини ҳам тўғри қабул қил. Қоида бузма! Нима қиласан бошқа бировларга баҳо бериб, ўзинга тўғри бўл! Шунда қоидабузарликни суратга олганларга мукофот учун олтин берса ҳам, бу сенинг муаммоинг бўлмайди!



Qishloqlik O'qituvchi
22 мая, 20:01 · 🌐

МАРТИШКА...

ҳажвия

(Сауд Аҳмадга ўхшатма)

Бугун видеоселектор бўлди. Завучимиз туман марказига кетди. Биз мактабимизда информатика ўқитувчимизнинг оғзига термулиб ўтирдик. Завучимиз видео селекторда эшитганларини «прямой» информатикнинг телеграммига ёзиб турди. Информатик айтиб турди, биз конспект қилдик.

Аваллига интернет яхши ишламади деб ярим соат кутиб туришимизни айтди. Кейин узук-юлуқ хабарлар кела бошлади.

Энг қизиқарли жойини айтаман.

Барча ўқитувчилар дарсларга ДТС асосида кўргазмалар ва мартишкалар олиб кириши топшириғи берилибди.

Ҳамма ҳайрон... Бир-биримизга қараймиз. Биология ўқитувчимизнинг оғзи очилган...

Директоримиз жаҳл қилди: юқоридагилар бир нарсани билмаса айтмайди. мартишка дедими, мартишка. Топиш мажбурий!

Кечга яқин завучимиз келди. Мартишка ҳақида сўрадик. У ҳеч қандай мартишка ҳақида айтмаганини, балки картишка, яъни картошка ҳақида хабар жўнатганини, информатигимиз картишкани мартишка деб ўқиганини айтди. Ҳайронлигимиз баттар ошди. Картошка? Нима учун? Неча килограммдан?..

Уйга келиб интернетга кириб видеоселектор материаллари билан танишсам ҳеч қандай мартишка, картишка, картошка ҳақида гап йўқ!

Карточкани завучимиз картошка деб эшитган, информатикка картишка деб айтган, информатигимиз мартишка деб бизга айтган экан...

P.S. Интернетингдан айланай пишлогим, э кечирасиз қишлогим!



Nuriddin Ziyov Turaqulov
23 мая, 11:51 · 🌐

ЭГРИ КЎЗГУЛАР

Аслида эгри кўзгулар бор хона ҳақиқат ва ҳаёт учун кўникма ҳосил қилиш хонаси.

Сиз бу хонага кириб ётиб қолгунча қулишингиз эмас, бу ҳаётда шу каби турланаётгангизни англашингиз керак. Битта ҳақиқат бор: кириш ва чиқишда ўзлигингизни сақлаб қолинг.



МАШХУРЛАР ҲАҚИДА ТАНИлмаган қиссалар


Ҳозиржавоб Марк Твен

Киборлар жамиятида уюштирилган кечалардан бирида машхур адиб бир беадаб аёл билан суҳбатлашиб қолади. Туриб-туриб, ижирганиш ва жирканчдан унинг кийёфаси ўзгара бошлади. Шунда Марк Твен буни «пардалаш» мақсадида, аёлга сохта хушомад қилади:

– Бугун кўринишингиз жуда ҳам аъло!

Бунга жавобан ҳалиги аёл ҳеч бир илтифотсиз жавоб беради:

– Афсуски, сиз ҳақингизда бундай гапни айта олмайман.



Адиб кўрс жавобдан шошиб қолмайди. Дарҳол муносиб акс-зарба беради:

– Сиз менинг йўлимни тутиб, ёлғон айтиб қўя қолсангиз кифоя!

Коньяк сургундан халос қилди

Уинстон Черчилль 50-даражали «Двин» деб номланган арман коньягини



яхши кўргани ҳаммага маълум. Бу билан боғлиқ куйидаги кизиқ воқеа бор.

Кунлардан бир кун Буюк Британия Бош вазири машхур коньяк «айнигани»ни сезиб қолади ва бу ҳақда дарҳол Иосиф Сталинга хабар беради. Буни қарангки, «Двин» тайёрловчи уста Маргар Седракан Сибирга сургун қилинган экан. Сталиннинг буйруғи билан у юртига қайтарилади, партияга аъзолиги тикланади ва Черчилль яна сеvimли коньягига етишади. Орадан қанчадир вақт ўтганидан кейин эса уста Седраканга Социалистик меҳнат Қахрамони унвони берилади.

Бахил Леннон ва айёр хинди

1972 йилда бир ёш хинди машхур «битлзчи» Жон Леннонга хат ёзиб, дунё бўйлаб саёҳатга чиқишни орзу қилишини, лекин бунинг учун маблағи йўқлигини айтади ва санъаткордан қанчадир миқдорда пул юборишини илтимос қилади. Леннон унга «Йога билан шуғуллан, шунда ҳол даражасига

чиқиб, бутун дунёни оний хаёлларингизда кўра оласан», деб жавоб қайтаради.

1995 йилда бояги хинди барибир дунё бўйлаб саёҳатга чиқади. Қандай қилиб, дейсизми? У айёр Ленноннинг жавоб хатини кимошди савдосига қўйиб, керагидан ортик пулни қўлга киритган бўлади.

Ҳаётдан фильмга қўчган сахна

Донгдор режиссёр 1942 йилда армияга хизматга чақирилади ва Мўғулистонга бориб тушади.



Бир куни амалдаги армияга аскар йиғиш мақсадида унинг қисмига ҳарбий кўмондон келади. Офицернинг «Ким артиллерияга боришни хоҳлайди?» деган саволига Гайдар «Мен!» деб жавоб беради. Кейин «Ким кавалерияга?», «Ким флотга?», «Ким разведкага?», деган саволларга ҳам баланд овозда шундай жавоб қайтараверади. Шунда ҳалиги офицер «Гайдар, бутун рўйхатни эълон қилиб олишимга қўясизми-йўқми?» дейди.



Орадан йиллар ўтиб, режиссёр ўзининг «Ы» операцияси ва Шуррикиннинг бошқа саргузаштлари» фильмига мана шу эпизодни кириштириб юборади.

Инсон ҳаёти давомида мудом ўзини қуршаб турган табиат билан ҳамнафас бўлади. Кун давомида ҳар хил манзара, турли-туман ҳашарот, ҳайвон ва қушлар, денгиз жониворларини кўради. Шундай эса-да она табиатнинг айрим синоатларини унинг кўзи илғамайди.

КЎЗ ЎНГИМИЗДАГИ НОМАЪЛУМ ТАБИАТ

Масалан, ақуларда жуда ажойиб хусусият бор. Урғочи наҳангларда туғруқ олтидан иштаҳа бутунлай йўқолар экан. Шундай бўлмаса, улар аллақачон ўз болаларини паққос туширган ва инсоният бундай турдаги сувда сузувчи ҳайвон қачондир мавжуд бўлганидан умуман бе-хабар қоларди.

Ёки каптарларни олайлик. Камдан-кам одам каптар бола-сини кўргани билан мақтана олади. Бунинг сабаби каптар болалари хавфсизлик нуктаи назаридан 30 кун давомида инидан бош чиқармаслигида экан. Бир ой ётиб еганидан кейин эса унда болалиқдан асар ҳам қолмас экан.



Айрим ҳайвонларга эса инсоннинг ёрдами жуда асқотади. Мисол учун, Финляндияда ўрмончилар кийикларнинг шохларига атайлаб ёруғлик қайтаридиган модда пуркайди.


Бу билан улар йўл-транспорт ҳодисаси туфайли нобуд бўлишининг олди олинади.

«Урбанизациялашган» айрим қушлар бошқача хусусияти билан кишини ҳайратга солади – улар ин қуришда сигарет қолдиқларидан фойдаланишни йўлга қўйган. Никотин – кучли инсектицид бўлиб, бит, бурга, сўна каби зараркунанда ҳашоратларни ҳайдашда жуда қўл келади. Қушлар ҳам илмий-тадқиқотлар билан шуғулланади шекилли-да.



Яна одамзот ва ҳайвонот дунёси ҳамкорлигига келадиган бўлсак, Швейцария пойтахтига мурожаат қиламиз. Берн шаҳридаги кўп қаватли уйларда яшовчи одамлар ўз мушуклари чиқиб-тушиши учун бино деворида алоҳида зиначалар ҳам қуради.

Сўзимизни Бобо Қуёш билан яқунлаймиз. Бизга энг яқин юлдуздан Она сайёрамизга бир соатда тушадиган энергия бутун инсоният йил давомида ишлатадиган энергиядан кўп экан. Рақамлар билан ифодаладиган бўлсак, Қуёшдан Ерга 430 квинтиллион (1 квинтиллионда 1 сонидан кейин 18 та ноль бор) жоуль энергия «инади», одамзот эса йилига 410 квинтиллион сарф қилади, холос.



АҚЛИМ ВА НАФСИМ ОРАСИДА ҚОЛГАН БИР БЕЧОРАМАН

Жалолiddин Румий ҳикматлари



Ишқи улканнинг имтиҳони ҳам залворлидир.

Гўзаллигинга қувонма, уни бир сўғал буза олар, молмулқинга қувонма, уни бир офат олиб кетар. Роббингга қувон, у ҳаммасига кифоя этар...


Инсонларни китоб каби англанд. Муқовасига қараб алданманг, ичини ўқиб чиққачгина моҳиятини биларсиз...

Ақлим ҳар кун тавба қилар. Нафсим ҳар кун тавбамни бузар. Иккисининг орасида қолган бир бечораман. Яхшиямки, Роббим, сенинг даргоҳинг бор...

Карим БАҲРИЕВ
таржимаси.

ИНТЕЛЛЕКТ

СИРЛИ ТАҚВИМ



Айрим муассасаларда мана шундай ўзига хос тақвимни учратиш қилишингиз мумкин.

Савол: Бу тақвимда нима акс этган ва уни қаерда учратиш мумкин?

Жавобларни қуйидаги манзилга жўнатинг:

E-mail: info@od-press.uz

Telegram: (+998 97) 444-80-84

22-сондаги саволнинг жавоби: Боланинг жавоби шундай бўлган: «Агар 5 долларни танласам, одамлар менинг айёрлигимни сезиб қолишади».

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши;
Ўзбекистон ёшлар иттифоқи марказий кенгаши;
«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси;
«Ўзбекистон почтаси» акциядорлик жамияти;
«Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси;
Акциядорлик тижорат «Алоқабанк».

Газетада интернет материалларидан ҳам фойдаланилган.
Газета 2012 йил 20 апрелда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0814-рақам билан рўйхатга олинган.
«Шарк» нашриёт-мағбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.

Бош муҳаррир

Ҳусниддин
БЕРДИЕВ

Тахририят манзили:

Тошкент шаҳри, 100000. Амир Темури 1-тор кўчаси, 2-уй.

Тел/факс: 234-83-45. E-mail: info@od-press.uz

Газета тахририят компютерида терилди ва саҳифаланди.

Буюртма: Г-527
ISSN 2181-6190
Обува индекси — 193
Алади: 1 273 нусха.

Нархи: келишув асосида.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 2 босма табак.
Офсет усулида босилган.
Чоп этишга топширилди: 20:00

